

олиш, кўчириш, тиниш белгига риоя қилиш)га ҳам бир талай вақтлар ва меҳнатлар сарфланади [5]. Оилада болани савод ўргатишга тайёрлашнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд (бу ҳақда алоҳида тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади). Савод ўргатишга тайёрлашнинг боғчадаги ўзига хос хусусиятлари ҳам алоҳида ўрганишни, тадқиқотни ва таҳлиллар ўтказишни талаб қилади. Бироқ бу ишларнинг мақсади битта бўлса ҳам оилада ва боғчада турлича йўналишлар, методларда ва турли савияда ўтказилади.

Биз ушбу мақоламизда савод ўргатишга тайёрлашнинг мактаб босқичи масалаларига алоҳида тўхталмоқчимиз. Чунки бу тадбир мактабга илк қадам қўйган ҳар бир мурғак қалбнинг, жажжи болажонларни, шириндан-шакар ўғил ва қизалоқларнинг ҳаётида ўчмас из қолдирадиган даражада уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказилиши лозим. Болаларни мактабга қабул қилиш, мактаб контингенти бўйича умумий рўйхат ва боғчадан келган болалар ҳисобига бажарилади. Боғчадан келган боламактабга, унинг кун тартибига, ёзиш ва чизишга, суҳбат ва муҳокамага осон ва тез мослаша олади. Чунки улар боғчада маълум даражада тартиб-интизомга, гуруҳга, жамоага, ўзини тутишга, муомалага, одоб-ахлоққа одатланган бўладилар. Шунинг учун уларни бошқариш осон бўлади. Бу боғчадаги оғир меҳнатнинг самараси, натижасидир.

Оиладан мактабга қабул қилинган болаларни тартиб-интизомга, мактабнинг қонун-қоидаларига мослаштириш осон кечмайди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамма оиладан келган болалар ҳам бирдай (интизомли, тартибсиз, ўйинқароқ, шўх, эрка ёки одамови) бўлавермайди. Бу эса болаларга индивидуал, яъни алоҳида-алоҳида ёндошишни, алоҳида муносабатда (эркалатиш, дўқ-пўписа ва ширин сўзлик қабилар) бўлишни талаб этади. Боланинг қалбига йўл топа олмас экансиз, у билан бўладиган таълим-тарбия соҳасида муваффақиятга эриша олмайсиз. Болалар билан бўладиган алоқани ижобий ҳал этиш учун педагог аввало, билимга, тажрибага, маҳоратга (вазятдан чиқиб кетиш, соғлом муҳит яратиш) эга бўлиш руҳунос ва педагогик сирларидан огоҳ бўлиши лозим. Бу дегани мактабга ўзгача умид ва иштиёқ билан қадам қўйган болага эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, яъни хушмуомала, ширинсўзлик ва меҳрибонликни талаб этади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008.
2. “Болажон” таянч ўқув дастури. //“Мактабгача таълим” № 2. -Тошкент: 2010.
3. “Ўзвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури”.(1-4-синфлар учун). -Тошкент: 2010.
4. Брызгунов И.П., Касатникова Е.В. Непоседливые ребёнок, или всё о гиперактивных детях. -М.: 2001.
5. Нишонов З.Т. Болалар психик таракқиёти муаммолари бўйича психологик маслаҳатлар бериш. -Т.: 1997.

Ушбу мақола мактабгача ва бошланғич таълимни ўзаро мувофиқлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, мактабгача таълимга инновацион ёндашув масалаларига бағишланган.

Статья посвящается вопросам инновационного подхода к системе дошкольного образования, приводятся особенности дошкольного и начального образования.

The article focuses on the issues of innovative approaches in the system of pre-school and primary education. The author analyses the characteristic features of pre-school and primary education.

БЎЛАЖАК ПСИХОЛОГЛАРНИНГ КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШИДА МОТИВАЦИОН СОҲАНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

М.Ю.Бабаниязова - тадқиқотчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар. психология, шахс, мотив, мотивация, психолог-талаба, таълим.

Ключевые слова. психология, личность, мотивация, студент-психолог, образования.

Key words: psychology, personality, motiv, motivation, psychologist student, education.

Бугунги кунда бутун дунёда амалиётчи психологларга бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнида инсон психологиясида рўй берадиган ўзгаришлар ва унинг шахслараро муносабатларга таъсири, шахснинг жамиятда ва ўз-ўзи билан мулоқот ва муносабат масаласида психологнинг иштироки муҳимдир.

Олий психологик таълим тизими қурилишининг замонавий босқичида амалий психолог тайёрлаш талаби ўзгармоқда. Бугунги кунда шундай психологга эҳтиёж мавжудки, ўзгарувчан дунёда инсон руҳиятини тушунишда ва муаммоларини англаш ва ечимини топишда ҳам назарий ҳам амалий билимдонлик талаб қилинади. Мазкур масала юзасидан фанда кўпгина илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Олий таълим тизимида таҳсил олаётган бўлғуси психологларнинг касбий шаклланиши ва ривожланишида мотивациянинг ўрни ва аҳамиятини рус олимларининг

Ўзбек халқи болажон халқдир. Ҳар бир мактаб ходими болаларни худди ўз боласидек кўриши керак. Чунки улар мактабда турли одамларга дуч келадилар, ҳар хил жойларда бўладилар. Ҳоҳ у мактаб раҳбари бўлсин, ҳоҳ фан ўқитувчиси, ҳоҳ фаррошми, қоровулми болага ҳурмат билан, меҳмондай эътибор билан қарашлари зарур. У мактаб ҳовлисида, спорт майдонларида, ошхонада ўзига хос иззат-иқром билан кутиб олиниши, хурсандчилик билан, кулиб, жилмайиб, табассум билан қарши олиниши лозим. Бу орқали болаларга кўп нарсада ибрат бўламлигини эмас, уларнинг мактабга, ўқишга бўлган қизиқиш-ларини, ихлосларини оширишга сабабчи ҳам бўламиз. Қисқаси, болаларни тергайвермаслик, бўлар-бўлмасга уларни таъкидлайвермаслик керак. Демак, таълим-тарбияда кўп нарсада ибрат кўрсатишнинг ижобий томонларини сўзлаб ўтиришга ҳолат йўқ.

Таълим –тарбияда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги ҳозирги вақтда мукаммал таълим-тарбия беришнинг муҳим омилларидан биридир.

Оила, боғча ва мактаб ҳамкорлиги таълим-тарбиянинг сифатини оширишда асосий восита эканлиги аввалдан устувор масала ҳисобланиб келган.

Таълим-тарбияни ривожлантириш ва такомиллаштиришда кейинги йилларда зарур манба сифатида маҳалла ҳамкорлиги ҳам эътироф қилинмоқда.

Мактабгача ва бошланғич таълимни мувофиқлаштиришнинг самарали йўналишларидан бири оила, боғча мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги ўзига хос томонларини аниқлаш ва уни мувофиқлаштиришга қўшган хиссасини белгилашни ўз ичига олади.

Мактабгача ва бошланғич таълимни мувофиқлаштириш(боғлаш)нинг савод ўргатишга тайёрлаш жараёнининг машғулотларини нуфузини ошириш йўллари белгилаб беради.

Боғча ва мактабгача таълимда, бошланғич таълим ва савод ўргатишга тайёрлаш машғулоти сифатини оширишда оила, боғча, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги, улар ишини мувофиқлаштиришнинг мақсадга мувофиқ йўналишлари белгилаб олинишини таъминлашдир.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

амалга оширган ишларида кузатиш мумкин.

Олий таълим тизимида талаба - психологларнинг таълими масалалари Б.Ц.Бадмаев (2000), Т.М. Буякас (2000), А.Ф.Березин (2002), И.В.Бачков (2007), И.Б.Гриншпун, (2007); Н.Н.Зотова (2003), Ф.З.Кабилов (2003), Т.А.Казанцева (2000), Е.А.Климов (2003), Е.П.Кринчик (2004), Г.Ю. Любимова (2005), Н.П.Ничипоренко (2000), В.М.Новикова (2002), Н.Ю.Олейник (2002), Л.К.Портнова (2003), Н.С.Пряжников (2005), О.Н.Родина (2002), С.В.Тарасов (2004), В.А.Фокин (2005), Л.Б.Шнейдер (2004) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Талаба-психологларнинг касбий билим ва кўникмалари ривожланишида меҳнатнинг янги воситаларини эгаллашга шайлик, инсоннинг касбий тажрибаси ривожланишида ўзгарувчан шароитларга фаол мослашишга тайёргарлиги

талабанинг бўлғуси касбий талабларга мослигининг индивидуал тавсифи даражаси эканлиги, профессионализмнинг мезонлари ва компонентлари масалалари Э.Ф.Зеер, А.В.Карпов, А.К.Маркова, К.А.Абульханова, А.К. Маркова, Л.М.Митина, А.А.Деркач, Е.А.Климов, Н.С.Пряжников, А.А.Реанларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

С.В.Морозованинг “Бўлғуси психолог-талабаларда статистик тушунчалар тизими шаклланишида касбий мотивациянинг таъсири” (2013) мавзусидаги тадқиқотда мотивация ва илмий тушунчалар тизимини ўрганишда назарий ёндашувлар таҳлили, “Психологияда математик методлар” курсида статистик тушунчалар тизими тавсифи, статистик тушунчалар тизими шаклланишида касбий мотивация таъсирининг назарий модели, касбий мотивацияни ўрганиш муаммолари, “Психологияда математик методлар” курсини ўқитишда оптимал тавсиялар келтирилган [2].

Тадқиқотда ilk марта семантик ва риторик таҳлил, шунингдек, дискурс-таҳлилларни қўллаш натижасида “Психологияда математик методлар” ўқув курси асосида ишлаб чиқилган статистик тушунчалар тизимининг назарий модели яратилган; ўқув курсида ўргатиладиган, ўзида ижтимоий-касбий ва ички касбий мотивацияни мужассамлаштирган касбий мотивациянинг икки омилли модели таклиф қилинган, ОМ да касбий мотивни ташхис қилишга қаратилган талабаларнинг амалий фаолияти, касбга ва академик карьерага мўлжал олишга ва ижобий муносабатни ўрганиш имконини берадиган анкета ишлаб чиқилган; тизимли тенгловчиларни моделлаштириш (SEM) ёрдамида статистик тушунчалар тизими шаклланишида касбий мотивация омилли таъсирининг математик модели ишлаб чиқилган. Тадқиқотда бўлғуси психологларнинг касбий шаклланишида мотивациянинг шахс эмоционал тизимига таъсири хусусиятлари ўрганилмаган.

Ю.А.Стребкованинг “Психолог-талабалар онгида инсон вужуди образи шаклланишининг педагогик-психологик шарт-шароитлари” (2013) мавзусидаги тадқиқотда талабалар онгида тана образи тушунчалари конкретлаштирилган, образнинг тузилмавий компонентлари аниқлаштирилган, психолог-талабалар шахслилик тавсифлари билан тана образи компонентлари алоқаси аниқланган, талабалар онига, тана образи шаклланишига таъсир қилувчи омиллар ва педагогик-психологик шарт-шароитлар белгиланган. Тадқиқотда психолог-талабаларнинг тана образини идрок қилиши бошқалар билан муносабатларига таъсири хусусиятлари аниқланган, шунга қўра, юқори даражада ўз-ўзини ривожлантирган ва ўз ташқи кўринишидан қониққан талабалар бошқаларни объективроқ баҳолашга мойиллиги кўринган [4].

Л.Ю.Пахомованинг “Талаба-психологларнинг олий таълим муассасаси таълимий жараёнларига касбий фаолиятга мотивацион тайёргарлик ривожланишининг психологик шарт-шароитлари” (2011) мавзусидаги тадқиқотида психолог-талабаларда олий таълим жараёнида касбий фаолиятга мотивацион тайёргарлигининг психологик шарт-шароитлари масалалари тадқиқ қилинган. Тадқиқотда асосан, ташқи ва ички шарт-шароитлар ажратиб кўрсатилган, унга қўра, ташқи шароитлар сифатида талабаларни реал тажриба орттиришига йўналтирилган таълим технологиялари, шахс психологик хусусиятлари ривожига педагогик-психологик таъсирлар, ижтимоий аҳамиятли вазиятларда “бошқалар билан биргаликда ҳаракат қилиш”ни шакллантирувчи гуруҳий ишлаш шакллари, талаба шахсини “очиш”га хизмат қиладиган муҳитни яратиш омиллари кўрсатилган. Ички омиллар сифатида талабанинг шахсий фаоллиги унинг ишга киришиб кетиши кўрсаткичи сифатида эканлиги, ўз ҳулқини тажриба қилишга тайёрлиги янги касбий тажрибаларни англаш ва орттиришга хизмат қилиши, касбий тайёргарликда ўзида бўлаётган ўзгаришларни англаш қобилиятини ўстириш қабиларни аниқлаган. Мазкур ишда биринчи марта субъектнинг касбий фаолиятга мотивацион тайёргарлик компонентлари (мўлжалли,

шахсий-иродавий, касбий-идентификацион ва когнитив) тизимли ўрганилган.

Чисеу Тхи Хынг “Педагогика олий таълим муассасаларида касбий педагогик йўналганлик билан касбий аҳамиятли сифатларни баҳолашнинг ўзаро алоқаси” (2012) мавзусидаги тадқиқотда талабаларнинг касбий йўналганлиги шахс йўналганлиги, айнан касб танлашдаги мотивлари, педагогик касбга муносабат ва йўналганлик даражалари, турларини ўрганишда тизимли ва мотивацион-мазмунли ёндашувнинг тузилмавий компонентлари аниқланган, Вьетнамлик талабаларда касби-аҳамиятли сифатларни баҳолаш тавсифлари, касбий-педагогик йўналганликнинг психологик хусусиятлари, уларда ўқитувчилик касбидан қониқиб даражаси, талабаларнинг касбга муносабат, касбий-педагогик йўналганлик даражаси ва касбий аҳамиятли сифатларни баҳолаш билан боғлиқлиги, шунингдек, ўқув курслари бўйича касбий-педагогик йўналганлик билан касбий-аҳамиятли сифатларни баҳолашнинг ўзаро алоқаси ва касбий-педагогик йўналганлик динамикаси ўрганилган [6].

Н.Л.Росина томонидан “Олий таълим тизимида талаба психологларни касбий ўқитишда интегратив психологик тизимнинг шаклланиши” (2012) мавзусидаги тадқиқотда олий таълимда ўқув жараёни ривожланиши шароитлари ва воситалари оптимизациясига, моҳияти, таркиби, тизимини қамраб олган талаба-психологларни олий таълимда ўқитиш жараёнининг назарий-амалий психологик концепцияси ишлаб чиқилган. Мазкур концепция талабаларга эрта профессионализмда муаммони технологик даражада ҳал қила олиш даражасига қўмаклашадиган мажмуавий ва яқка тартибда ёрдам берди. Таклиф қилинган концепция доирасида шу нарса исботланганки, касбий ўқитиш тизимида интеллектуал, регуляцион ва мотивацион ресурслар интеграциясига таъсир кўрсатишга йўналган ўз-ўзини ривожлантиришнинг психологик механизми бу рефлексив компонент ҳисобланади. Тадқиқотда биринчи марта “талаба-психологларни касбий ўқитиш” тушунчаси мазмуни асосланган ва унинг талаба-психолог субъекти тизимида шаклланадиган аҳамияти мазмуни таҳлил қилинган, рефлексив, регуляцион, интеллектуал ва мотивацион компонентлари билан аниқланган мазкур яхлит таълимнинг психологик тизими ва шу қабилар ишлаб чиқилган. Талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ва профессионал ўқитишнинг индивидуал типик ривожланиши шартлари кўрсатилган ва бу қобилиятларнинг 4 та: субъектив, продуктив, адаптив, пассив даражалари аниқланган [3].

А.А.Масленников томонидан “Турли хил миллат ва диний эътиқодга мансуб талабаларнинг бошланғич касбий шаклланишида шахсий мослашув” (2012) мавзусида олиб борилган тадқиқотда олий таълимнинг дастлабки босқичида шахслилик мослашуви турли даражадаги талабаларда ҳаётий мазмунли стратегияларнинг хусусиятлари баён ва таҳлил қилинган, турли хил миллат ва диний эътиқодга мансуб талабаларнинг ҳаётий мазмунли стратегиялари компонентлари аниқланган, шунингдек, турли даражада мослашув кузатиладиган ҳолатларнинг модели ишлаб чиқилган [1].

Т.Г.Харитонованинг “Амалиётчи психолог фаолиятида психопрофилактикани ташкил қилиш хусусиятлари, спецификаси ва онтологияси” (2012) мавзусидаги тадқиқотда касбий фаолиятда психологик хизматнинг асосий турларидан бири бўлган психопрофилактиканинг ўзига хослиги масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, бўлғуси психологларда психологик хизматнинг алоҳида йўналишлари, айниқса психопрофилактикани амалиётга тадбиқ қилишнинг ўзига хослиги масалалари ёритилган [5].

Демак, юқорида келтирилганидек, бўлажак психологларнинг касбий ривожланишида мотивацион соҳанинг ўрни ниҳоятда муҳим ва долзарб ҳисобланиб, мазкур масалани назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш психологик хизматни янада такомиллаштиришга ва мутахассисларнинг сифат жиҳатдан ўсишига хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Масленников А.А. Личностная адаптация студентов разной этноконфессиональной принадлежности на начальном этапе профессионального становления. – Старополь: 2012. – С. 187.
2. Морозова С.В. Влияние профессиональной мотивации на формирование системы статистических понятий у студентов-психологов. – Санкт-Петербург: 2013. – С. 194.
3. Росина Н.Л. Интегративная психологическая система формирования профессиональной обучаемости студентов-психологов в ВУЗе. – Киров: 2011. – С. 219.

4. Стребкова Ю.А. Психолого-педагогические условия формирования образа тела в сознании студентов-психологов. - Самара: 2013. - С.178.
5. Харитонов Т.Г. Онтология, специфика и особенности организации психопрофилактики в деятельности практического психолога. - Нижний Новгород: 2012. - С.461.
6. Чиеу Тхи Хыонг. Взаимосвязь самооценки профессионально-значимых качеств и профессионально-педагогической направленности студентов педагогического вуза. - Москва: 2012. - С. 201.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак психологларнинг касбий ривожланишида мотивацион соҳани тадқиқ этишнинг назарий асослари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье проанализированы теоретические аспекты развития сферы мотивационного направления будущей психологов.

SUMMARY

Theoretical foundations in exploring motivational sphere for the professional development of future psychologists are analyzed in this article.

YOSHLARGA XALQ HUNARMANDCHILIGI ASOSLARINI O'RGATISHDA KEYS-STADY TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH

J.O.Baltabaev - katta o'qituvchi

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: milliy hunarmandchilik, estetik va badiiy tarbiya, "Keys-stady" metodi, savolli keys, muammoli vaziyat.

Ключевые слова: национальные промыслы, эстетическое и художественное воспитание, метод «Кейс-стади», вопро-
сительный кейс, проблемная ситуация.

Key words: national craft, aesthetic and artistic education, "Case-study" method, interrogative case, problem situation.

Inson, uning har tomonlama uyg'un kamol topishi va farovonligi, shaxs manfaatlarini ro'yobga chiqarish sharoitlarini va ta'sirchan mexanizmlarini yaratish, eskirgan tafakkur va ijtimoiy xulq-atvorning andazalarini o'zgartirish respublikada amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi va harakatlantiruvchi kuchidir. Xalqning boy intellektual merosi va umumbashariy qadriyatlarini asosida, zamonaviy madaniyat, iqtisodiyot, fan, texnika va texnologiyalarning yutuqlari asosida kadrlar tayyorlashning mukammal tizimini shakllantirish O'zbekiston taraqqiyotining muhim shartidir [1].

O'zbekiston xalqining boy madaniy merosi va tarixiy an'alarini to'liq saqlab qolish va ko'paytirish, milliy hunarmandchilik, xalq badiiy va amaliy san'atini yanada rivojlantirish, hunarmandchilik faoliyati bilan shug'ullanuvchi fuqarolarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash bo'yicha maqsadli va kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish, shu asosda aholi, ayniqsa yoshlar, ayollar va kam ta'minlangan oilalar bandligini ta'minlash maqsad qilib olingan [2].

Ushbu maqsadlarni amalga oshirishda, ta'lim sohasida ham faoliyat yuritayotgan barcha xodimlarga katta mas'uliyat yuklaydi. O'sib kelayotgan yosh avlodning ma'naviyatini boyitish va madaniy saviyasini yuksaltirish, yoshlarimizni milliy va jahon hunarmandchilik turlarining yuksak namunalaridan bahramand qilish asosida tarbiyalash hozirgi kunning asosiy talablaridan biridir.

Hunarmandchilik turli ijtimoiy-tarixiy davrlar doirasida texnika rivoji bilan aloqador holda takomillasha bordi. Turli ixtisosliklar (kulolchilik, duradgorlik, temirchilik, misgarlik, binokorlik, tosh-taroshlik, o'yimakorlik, kashtado'zlik, ko'ncilik, tikuvchilik, to'quvchilik, zargarlik, rixtagarlik, zardo'zlik, bo'yoqchilik, tunukasozlik va boshqa)ga ajraldi. Yosh avlodning barkamol inson bo'lib etishishida hunarmandchilik ishlarini mukammal o'rganishida estetik tarbiya muhim ahamiyatga ega [3].

Estetik va badiiy tarbiya yoshlarda tevarak-atrofdagi narsa va voqealarga estetik munosabatda bo'lishda, ularni maqsadga muvofiq ravishda ko'rib, idrok etishda, ijodiy mehnat faoliyatini faollashtirishda katta rol o'ynaydi. Bu sohalarida maktablarda, o'quvchilar saroylarida tashkil etilayotgan mehnat ta'limi darslari va xalq hunarmandchiligi to'garaklari ham o'quvchilarga estetik tarbiya berishda katta imkoniyatlarga egadir.

So'ngi vaqtlarda "Keys-stady" metodi xorijiy mamlakatlar ta'limi amaliyotida muvaffaqiyatli qo'llanib kelinmoqda va bugungi kunda respublika ta'limida ham tobora ommalashib bormoqda. Shu sababli ayni o'rinda ushbu metod (texnologiya) mohiyati haqida so'z yuritiladi.

"Keys-stady" texnologiyasi (ingl. "case" – chemodan, metod, "study" – muammoli vaziyat; vaziyatli tahlil yoki

muammoli vaziyatlarni tahlil qilish) – 1) talabalarda aniq, real muammoli vaziyatni tahlil qilish orqali eng maqbul variantlarini topish ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladigan texnologiya; 2) real vaziyatlarni bayon etishda qo'llaniladigan o'qitish texnikasi [4].

"Keys-stady" texnologiyasini xalq hunarmandchiligi fanida qo'llashga misol keltiramiz.

Savolli keyslar. 1-keys bayoni

Kirish. Xalq hunarmandchiligi sa'natning teatr, kino, musiqa, tasviriy sa'nat turlari qatori mustaqil kasb etadi. U o'z nomiga ko'ra amaliyotda, ya'ni turmushda qullandigan bezak san'ati manosi anglatadi. Amaliy badiiy bezak turli xil buyumlar, ko'chalar, maydonlar, istirohat bog'lari, ishlab chiqarish korxonalari, o'quv tarbiyaviy muassasalar, sport va madaniy inshootlarni bezatish bilan bog'liqdir. Shuningdek, u kiyim-kechaklar, zar-garlik buyumlari bezagini ham o'z ichiga oladi. Amaliy-bezak san'ati namunalari inson hayotida shunchalik keng uchraydiki, usiz turmushni tasavvur etish qiyin.

O'lkamiz zaminidagi tarix qatlamlarini qazishlar natijasida topilgan yodgorliklarning guvohlik berishicha, inson jismiga badiiy ishlov berish usulida buyum yaratish faoliyati tosh asridayoq boshlangan bo'lib, asrlar osha hozirgacha davom etib kelmoqda.

Quyidagi keys - manaviy barkamol va komil insonning aqliy, axloqiy, ma'naviy fazilatlarini yuksak bo'lishi, insonlarning chuqur va zamonaviy bilim, keng dunyo qarashi, mustaqil fikrlash salohiyatiga ega bo'lishi, uning yuksak ma'naviy kamolot sohibi bo'lishining asosiy shakli – yuksak manaviyatning muhim omili ekanligini ko'rsatib berishga imkon yaratadi.

Ushbu keysni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun mavzu bo'yicha manaviy taraqqiyot mezonlari haqida bilim va ko'nikmalarga ega bo'lish zarur.

Tavsiya etilgan keysni echish quyidagi natijalarga erishishga imkon yaratadi:

- o'zlashtirilgan mavzu bo'yicha bilimlarni mustahkamlash;
- muammoning hamda qabul qilingan echimning individual va guruhviy tahlilida bilim va ko'nikmalarni qayta topshirish;
- mantiqiy fikrlashni rivojlantirish;
- mustaqil ravishda qaror qabul qilish ko'nikmalarini egallash;
- o'quv axborotlarini o'zlashtirish darajasini tekshirib ko'rish.

(Muammoli vaziyat)

Maktab direktori "Mehnat ta'limi" ta'lim yo'nalishini bitirgan yosh mutaxassisni ishga oldi. Ishning daslabki kunidan unga "Xalq hunarmandchiligidan naqshlarning tutgan urni" mavzusida avgust oyida buladigan seminar-da ishtirok etib, ma'ruza o'qishni topshirdi.